

---

Эртага Яйпанда бўлиб ўтадиган Суперлига йўлланмаси учун баҳсда “Турон” Тошкентнинг “Локомотив” жамоасини қабул қилади

Эртага, 25 ноябрь куни 2023 йилги Coca Cola Суперлигасида иштирок этадиган сўнгги жамоа номи маълум бўлади.

Яйпандаги “Ўзбекистон” ўйингоҳида Про лига 2022 йилги мавсумида 3-поғонани банд этган “Турон” жамоаси Coca Cola Суперлигасида 12-ўринни эгаллаган “Локомотив”га қарши ўтиш учрашувида майдонга тушади. Ғолиб жамоа келгуси йил кучлилар сафига йўлланма олади.

Регламентга кўра, ўтиш ўйинининг асосий вақтида ғолиб жамоани аниқлаш имкони бўлмаса, 15 дақиқадан икки қўшимча таймлар белгиланади. Шунда ҳам ғолиб номига ойдинлик киритилмаса, Суперлиганинг 2023 йилги мавсумига йўлланма олувчи сўнгги жамоа номи пенальтилар сериясига кўра аниқланади.

Беллашув 15:00 да старт олади.

Мурасасиз ўтиши кутилаётган ўйинда туманимиз жамоасига ғалабали онларни тилаймиз!

2022-11-24 14:56:49